UZINVEST.UZ

Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$3 764 000

ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$2 549 500

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК РЕНТАБЕЛЛИГИ:
38%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$450 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1974
МЕВАЛИ БОҒ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Лойиханинг махсади: Самарқанд вилоятида 250 гектар ер майдонида автоматлаштирилган томчилатиб суғориш тизими асосида замонавий интенсив (in vitro) мевали боғ ташкил этиш. Ташкил этилаётган боғ, кўчатлар навлари, уларни экиш схемалари, уларни ҳимоя қилиш усуллари барчаси энг замонавий технологияларга асосланган.

Ушбу боғ 5 турдаги, хар бири 50 гектар бўлган мевали боғни ўз ичига олади:

- 50 гектар гилос;
- 50 гектар шафтоли (нектарин);
- 50 гектар олхўри;
- 50 гектар ўрик;
- 50 гектар узум (токзор).

Инвестиция олингандан сўнг, кўчатлар 3 ой ичида тўлиқ экилади ва кўчатлар 2-йилдан қисман ҳосилга киради. Асосий ҳосил олиш 3-йилдан бошланади. Замонавий интенсив боғларда ҳосил бериш муддати ўртача 10-20 йилни ташкил этади.

Лойиҳа муаллифи томонидан 250 гектар ер майдонида $450 000 лик қуйидаги ишлар бажарилган:

- Қисман сув чиқарилган, ер майдонларини текисланиб, кўчат экаиш учун тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилган.
- Автоматлаштирилган томчилатиб суғориш тизими учун 4 та сув йиғиш ҳовузлари қазилган ва 3 та ўрта ҳажмли насослар ўрнатилган.
- Ер майдонларига электр тармоқлари тўлиқ тортилган. Йирик қувватли трансформатор ўрнатилган. Электр учун симёғочлар (бетон столбалар) тўлиқ ўрнатилган.
- Ишчилар дам оладиган 2 та бино қурилган.
- Ер майдонлари тўлиқлигича сим-тўрли панжаралар билан ўраб олинган.

Лойиҳа муаллифи шунигндек иккинчи йиллик иш харажатларини қоплаш учун **$451 минг** сармоя киритади.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $3 764 000

Номланиши	Сумма, $
In-vitro кўчатлари сотиб олиш	1 365 000
Автоматлаштирилган томчилатиб суғориш тизими	700 000
Ходимлар учун иш ҳақи (1 йиллик)	180 000
Омборхона ижараси тўлови 1 йиллик (1 ойига 3000)	36 000
Ер хайдовчи трактор сотиб олиш (1 та)	30 000
Мини трактор сотиб олиш (2 та)	35 000
Маркетинг – кўргазмаларда иштирок этиш, хорижий давлатларга хизмат сафарлари	25 000
Солиқлар ва сув учун тўлов	100 000
Электроэнергия (2 йиллик)	260 000
Темир-бетон устунлар ўрнатиш (шпалер)	315 000
Тўр сотиб олиш (кўчатларни иссиқдан ҳимояловчи)	300 000
Дори воситалари сепиш аппарати сотиб олиш (опрыскиватели)	18 000
Минерал ўғитлар – дори воситалари сотиб олиш	50 000
Бажарилган ишлар учун хизмат кўрсатувчига тўлов (пудратчи)	250 000
Юзага келиши мумкин бўлган бошқа ҳаражатлар	100 000
Жами	**3 764 000**

Йиллик харажатлар ҳақида маълумот:

Номланиши	Сумма, $
Иш ҳақи	180 000
Маркетинг, кўргазмаларда иштирок этиш, хорижий давлатларга сафарлар	25 000
Солиқлар ва сув учун тўлов	100 000
Электроэнергия	130 000
Омборхона ижараси	36 000
Минерал ўғит ва дори воситалари	50 000
Жами	**581 000**

- 1-иш йили учун барча харажатлар ва 2-иш йили учун электроэнергия харажати инвестиция маблағидан қопланади.
- 2-иш йили учун барча харажатлар (электроэнергиядан ташқари) лойиҳа муаллифи томонидан қопланади .

Кўчатлар экилгандан сўнг 2-иш йилида қисман ва 3-иш йилида тўлиқ ҳосилга киради.

3-иш йилидан бошлаб маҳсулот сотувидан келувчи йиллик даромадлар ҳақида маълумот:
(Даромад маҳсулотларнинг амалдаги минимал нархлари тахлил қилиниб, энг минимал нарх ва энг минимал ҳосилдорлик даражасидан 20% гача камайтирилган ҳолатда ҳисобланган)

Ҳосил йили	Даромад, $	Харажатлар, $	Соф фойда, $	Инвестиция рентабеллиги, %
2027	980 000	581 000	399 000	8
2028	2 550 000	581 000	1 969 000	39
2029	4 073 000	581 000	3 492 000	70
2030	4 340 000	581 000	3 759 000	50
2031	4 550 000	581 000	3 969 000	53
2032	4 550 000	581 000	3 969 000	53
2033	4 550 000	581 000	3 969 000	53
2034	4 550 000	581 000	3 969 000	53

- Ўртача йиллик даромад: $3 014 300
- Ўртача йиллик харажатлар: $464 800
- **Ўртача йиллик соф фойда:** $3 014 300 - $464 800 = **$2 549 500**
- Инвестиция капиталининг ўртача йиллик рентабеллиги:

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **38%**

Фойданинг тақсимланиши

Инвестиция суммаси тўлиқ қайтарилгунга қадар: Инвестор – **75%** ва лойиҳа муаллифи – **25%**

Инвестиция суммаси тўлиқ қайтарилгандан кейин: Инвестор – **50%** ва лойиҳа муаллифи **– 50%**